

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRI

Vazir o'rinbosarlari, departament, mustaqil boshqarma va bo'limlar boshliqlari hamda tizim tashkilotlari (maqsadli indikatorlar mavjud bo'lgan) rahbarlari

1. Ichki audit boshqarmasi (**Ashurov**) kiritgan axborot ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Qishloq xo'jaligi vazirligining barcha tarkibiy bo'linmalari va tizim tashkilotlari (maqsadli indikatorlar mavjud bo'lgan) rahbarlari:

vazirlikning 2026-yil 20-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining "2026-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ - 388 qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida"gi 7-sonli buyrug'i talablariga muvofiq maqsadli indikatorlar ijrosi bo'yicha hisobotlar va asoslovchi hujjatlarni belgilangan muddatlarda, to'liq va ishonchli shaklda taqdim etsin;

funksiya va vazifalaridan kelib chiqib, indikator ko'rsatkichlari hisobotlarini shakllantirish uchun mas'ul xodimlarni belgilasin va ular o'rtasida vazifalarni taqsimlasin.

3. Moliya-iqtisod, budget dasturlarini shakllantirish, monitoring qilish va ularning ijrosini muvofiqlashtirish bo'limi (**Te**):

2026-yil 4-mayga qadar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 26-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining "2026-yil uchun O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to'g'risida"gi Qonuni ijrosini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ - 388 qaroriga muvofiq "2026-2028-yillar uchun budget dasturlarining maqsadli indikatorlari" bo'yicha har bir indikator kesimida mas'ul ijrochilarni va choraklar kesimidagi aniq ko'rsatkichlarni belgilovchi chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqsin va tasdiqlash uchun kiritsin;

2026-yil 10-iyulga qadar vazirlikning 8 ta yo'nalishdagi dasturlari bo'yicha hisobotlarni umumlashtirib, ularni baholash uchun Ichki audit boshqarmasiga taqdim etsin.

4. Agrar sohada to'lovlar agentligi (**Qosimov**) subsidiya mablag'larini ajratish bo'yicha normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilish jarayonidaligi sababli I chorakda o'zlashtirilmagan mablag'lar hamda ijrosi ta'minlanmagan ko'rsatkichlar bajarilishini ta'minlash yuzasidan II, III va IV choraklar kesimida aniq hamda asoslangan takliflar ishlab chiqsin hamda ijrosini ta'milasini.

5. Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo'mitasi (**Jabborov**) 2026-yilda vaksinatsiya vositalari xaridi uchun imzolangan shartnomalar bo'yicha mahsulotlarni yetkazib berilmaganligi sabablarini o'rgansin, aniqlangan kamchiliklar bartaraf etish bo'yicha choralar ko'rsin.

6. Agrar sohada to'lovlar agentligi (**Qosimov**), Veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish qo'mitasi (**Jabborov**) bilan birgalikda "Mo'g'ulistondan naslli qo'y va echkilarni import qilishda havo transporti orqali tashish xarajatlarining bir qismini qoplab berish uchun subsidiyalar" quyi dasturi ijrosi bo'yicha nomuvofiqlikni bartaraf etish yuzasidan aniq takliflar ishlab chiqsin hamda ijrosini ta'milasini.

7. Ichki audit boshqarmasi (**Ashurov**) 2026-yil 20-iyulga qadar vazirlikning maqsadli indikatorlari ijrosini II chorak yakunlari bo'yicha baholasin, yakuni yuzasidan axborotini kiritsin.

8. Nazorat va ijro intizomi bo'limi (**Zoidov**) mazkur topshiriq ijrosini Moliya-iqtisod, buxgalteriya hisobi va hisoboti boshqarmasi hamda Ichki audit boshqarmasi bilan kelishilgan holda asosiy ijrochilardan nazoratdan yechilishini ta'minlasini.

Nazorat Sh. Ergasheva.



I. Abduraxmonov

2026-yil "30" aprel
№ 11/348

Қишлоқ хўжалиги
вазири
И. Абдурахмоновга

Ички аудит бошқармаси томонидан вазирликни бюджет дастурлари ва мақсадли индикаторларининг 2026 йил I чорак якунлари ижроси баҳоланди.

Ушбу кўрсаткичлар ижроси учун 2026 йилда жами 3 352,5 млрд сўм, шундан **I чоракда** аниқланган режага кўра, **714,7 млрд сўм** режалаштирилган, ҳисобот даврида **8 та дастур**, жумладан **35 та қуйи дастур** доирасида **219,2 млрд сўм (30,7 фоиз)** ўзлаштирилган.

Бунда, **3 та қуйи дастурлар** бўйича маблағлар **100 фоиз**, **10 та қуйи дастурларда 10-90 фоизгача** ўзлаштирилган бўлса, **22 та қуйи дастурларда** маблағлар умуман ўзлаштирилмаган.

Аграр соҳада тўловлар агентлиги фаолиятига оид қарор Вазирлар Маҳкамасида қабул қилиш жараёнида бўлганлиги сабабли, I чорак учун 17 та қуйи дастур бўйича ажратилган 361,4 млрд сўм сарфланмасдан қолган.

Маблағлар ўзлаштирилмаслигига асосий омиллар.

Вакцина воситаси хариди учун шартнома тузиш муддатлари чўзилганлиги ва етказиб бериш муддати 90 кун этиб белгиланганлиги;

Наслли қўй ва эчкилар импорт қилишда ташиш харажати бир қисмини қоплаш учун харажатлар сметасида I чорак учун маблағ ажратилмаганлиги;

1-гурух харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаб бериш муддатлари кейинги ҳисобот даврига ўтганлиги;

4-гурух харажатлари, жумладан товарлар ва хизматлар харидлари жараёнидаги кечикишлар, шартномалар тузиш муддатлари чўзилиши;

Агросаноатни ривожлантириш агентлигида устама тўлови учун режалашган маблағлар бўйича КРІ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаганлиги;

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтига бюджет маблағлари кеч молиялаштирилганлиги сабаб бўлган.

Тақдим этилган маълумотлар асосида вазирликнинг жами **95 та** мақсадли индикаторлари, жумладан **18 та** якуний ва **77 та** бевосита кўрсаткичлари ижроси таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан:

16 та кўрсаткич ижроси **100 ва ундан ортиқ фоиз** билан бажарилган;

3 та кўрсаткич ижроси **5, 60 ва 88 фоиз** билан таъминланган;

23 та кўрсаткич ижроси **кейинги чоракларда бажарилади**;

53 та кўрсаткич ижроси **умуман таъминланмаган**.

Аграр соҳада тўловлар агентлиги фаолиятига оид тегишли қарор Вазирлар Маҳкамасида қабул қилиш жараёнида бўлганлиги сабабли 52 та кўрсаткич ижроси таъминланмасдан қолган.

Яқуний ва бевосита кўрсаткичларни муддатида ижроси таъминланмаслиги сабаблари.

“Агросаноат йўналиши бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган профессор-ўқитувчиларининг тахминий сони” кўрсаткичи ижроси таъминланмагани сабаби малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва ўтказишдаги, ўқув дастурларини шакллантириш ва тасдиқлашдаги ташкилий кечикишлар;

“Мўғулистондан импорт қилинадиган қўй ва эчкилар сони” кўрсаткичи ижроси таъминланмагани сабаби ташиш харажати бир қисмини қоплаш бўйича субсидия маблағлари Аграр соҳада тўловлар агентлигига ўтказилган бўлсада, индикаторлар ижроси ваколатлари ўзаро мувофиқлаштирилмаган;

“Қишлоқ хўжалиги соҳасида тақдим этиладиган субсидия турларидан “Агросубсидия” АТда тақдим этиладиган аризалар сони” кўрсаткичи ижроси таъминланмагани сабаби Аграр соҳада тўловлар агентлиги фаолиятига доир Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилиниши жараёнида бўлганлиги;

“Вакцина қилинадиган чорва ҳайвонлари сони” кўрсаткичи ижроси таъминланмаганига сабаб ходимлар кўнимсизлиги оқибатида иш жараёнларида узилишлар юзага келган.

Бюджет дастурларини ишлаб чиқилишидаги мавжуд муаммолар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон Қарорига мувофиқ Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 80 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бироқ ушбу маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Аграр соҳада тўловлар агентлигини харажатлар сметасига ажратилган, ваҳоланки ижроси бўйича ваколатлар (Агентликка ўтказилмасдан) Қўмигада қолиб кетган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя усулини қўллаш харажатлари қўйи дастури бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 августдаги 520-сон Қарори талабларига амал қилинмаган, хусусан 2026 йил учун умумий Манзилли рўйхат тасдиқланмаган.

Ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш бўйича ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш харажатларини ҳисоб-китобларини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон Қарорига амал қилинмаган.

Баҳолаш учун маълумотлар тақдим этилишида маъсуллар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар.

“Агросубсидия” платформаси харажатлари ва “Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ҳамда “AgroTarozi” АТни техник қўллаб-қувватлаш дастури бўйича маъсул ижрочи “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖ (Маҳмудов) томонидан маълумотлар ўз муддатида тақдим этилмаган.

Вазирлик таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари томонидан бюджет дастурларига маъсул ижрочилар томонидан мақсадли индикатор кўрсаткичлари бўйича сифатсиз ва ишончсиз маълумотлар тақдим этилган.

Таклифлар:

1. Дастурлар доирасида субсидия маблағларини режалаштиришда ягона методик ёндашув жорий этиш, бунда субсидия ҳажмини аниқлашда ҳисоб-китоблар ягона тартиб ва белгиланган кўрсаткичлар асосида амалга ошириш.

2. Мақсадли индикаторлар ҳисоботларини ва асословчи ҳужжатларни Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлимига ўз муддатида ва сифатли, ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилгани ҳолда тақдим этиш.

3. Вазирлик таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари томонидан ўз функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, индикатор кўрсаткичлари ҳисоботларини шакллантириш учун масъул ходимларни белгилаш ва тақсимлаш.

4. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан 2026 йилда вакцинация воситари хариди учун имзоланган шартномалар бўйича бугунги кунга қадар маҳсулотларни шартномада белгиланган муддатида етказиб берилмаслик сабабини ўрганиш ва бартараф этиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ- 388-сон қарорига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимига оид “2026-2028-йиллар учун бюджет дастурларининг мақсадли индикаторлари”нинг кўрсаткичларини чорақлар кесимида вазирликнинг ички буйруғи билан белгилаш.

6. Вазирлик масъул бўлинмалари томонидан бюджет дастурлари кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳужжатларни Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлимига белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этилишини КРІ тизимида акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Баҳолаш маълумотномаси илова қилинади.

Илова 24 варақда.

Ички аудит
бошқармаси бошлиғи



Ф. Ашуров
30.04.2024й.



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
ривожлантириш дастурлари ва мақсадли индикаторларининг 2026 йил
I чорак якунлари ижроси юзасидан Ички аудит бошқармасининг
баҳолаш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

2026 йил 20 апрель

Қибрай тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 декабрдаги “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон Қарори бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил I-чорак бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари ижроси баҳоланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-388-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 7-сон буйруғи билан мақсадли индикаторлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузишга ва белгилаб берилган кўрсаткичларни бажаришга масъуллар белгиланган.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 13 январдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджет дастурларини мақсадли индикаторлари дастур ва кўрсаткичларининг ижроси баҳолашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон буйруғи билан бюджет дастурлари ижросини баҳоловчи Ички аудит бошқармаси ходимлари рўйхати ҳамда баҳолаш дастури (тартиби) тасдиқланган.

Баҳолаш ишлари Қишлоқ хўжалиги вазирининг тегишли буйруғи билан бириктирилган масъул ижрочилар томонидан чораклар кесимида шакллантирилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳамда Молия-иқтисод ва бюджетлаштириш бўлими орқали Ички аудит бошқармасига тақдим этилган маълумотлар асосида амалга оширилди. Шу билан бирга, тақдим этилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун масъул ижрочилар жавобгар ҳисобланади.

Ўтказилган баҳолаш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон қарори 6-илоvasи “Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2026–2028 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари” 47-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 8 йўналишдаги синов бюджет дастурларининг 95 та мақсадли индикатор кўрсаткичлари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2026 молия йилида 3 352,5 млрд сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

1. Маъмурий бошқарув бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун жорий йилда 30,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан 2026 йилнинг I чораги учун режалаштирилган 10,0 млрд сўм маблағлардан 8,1 млрд сўм ёки 81 фоизи ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг I гуруҳ харажатлари, жумаладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Тизим ташкилотларида ўтказиладиган режали ички аудит тадбирлари ҳамда режадан ташқари ўрганишлар сонини йиллик режада 35 тага етказиш белгиланган, шундан шундан I чоракда 8 та ички аудит тадбири ўтказилиши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 10 тага ёки 125 фоизга бажарилган. Бунда, 6 та ички аудит тадбири йиллик режага кўра ва 4 таси эса режадан ташқари ўтказилган ва тегишли маълумотлар расмийлаштирилган ҳолда Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплекси тизимига киритилган.

Вазирлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтга чиқарилган маълумотлар сонини йиллик режада 450 тага етказиш белгиланган, шундан I чоракда 120 тага маълумотлар чиқариш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 150 тага ёки 125 фоизга бажарилган;

Ушбу 150 та чиқарилган маълумотлар вазирликнинг расмий вебсайти “<https://gov.uz/oz/agro>”, “Telegram”, “Insragram”, “Facebook” ва “YouToube” ижтимоий тармоқлардаги каналларида чиқарилган.

Пахтада тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш кўрсаткичини йиллик режада 5 тага белгилашган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар II чорак якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш III чоракда амалга оширилади;

Ғаллада тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш кўрсаткичини йиллик режада 8 тага етказиш белгиланган. Бунда, ғалла экиш мавсуми йилнинг III-IV чорақларга тўғри келишини инобатга олган ҳолда, ғаллани тезпишар ҳамда серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш маълумотлари йилнинг август-сентябрь ойларида шаклланади. Шу сабабли, ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III- чорақ якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Бошоқли доннинг ўртача ҳосилдорлиги (суғориладиган майдонларда) кўрсаткичини йиллик режада 75 ц/га етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чорақ якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади.

Пахта хомашёсининг ўртача ҳосилдорлиги кўрсаткичини йиллик режада 42 ц/га етказиш белгиланган. Бунда, пахта хомашёси йиғим мавсуми йилнинг III-IV чорақларга тўғри келишини инобатга олган ҳолда, ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи йилнинг ноябрь-декабрь ойларида шаклланади. Шу сабабли ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун жорий йилда 126,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I- чорақ учун режалаштирилган 52,5 млрд сўм маблағлардан 29,3 млрд сўми ёки 56 фоизи ўзлаштирилган.

I. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ривожлантиришни бошқариш қўйи дастури бўйича жорий йилда 13,5 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорақ учун режалаштирилган 4,4 млрд сўм маблағлардан 3,5 млрд сўми ёки 81 фоизи ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг I-гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат birlikлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш кўрсаткичи бўйича йиллик режада 8 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чорақ якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш йил якунида амалга оширилади.

II. Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг

корректировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрохимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш, яйлов ерларини хатловдан ўтказиш ва майдонларнинг электрон хариталарини ишлаб чиқиш харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 93,0 млрд сўм (*“Ўздаверлоўиҳа» ДИЛИ-59,2 млрд сўм, Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти-33,8 млрд сўм*) ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 28,3 млрд сўм маблағлардан 25,8 млрд сўми ёки 91 фоизи ўзлаштирилган.

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти фаолиятини молиялаштиришда бюджет маблағларининг белгиланган муддатларда ажратилмаслиги кузатилган. Хусусан, маблағларнинг кечикиб тушиши натижасида режалаштирилган харажатларни ўз вақтида амалга ошириш имконияти чекланган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш (ердан фойдаланувчилар) кўрсаткичини йиллик режада 109 719 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

деҳқон хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш (ердан фойдаланувчилар) кўрсаткичини йиллик режада 838 286 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ва яйловларни хатловдан ўтказиш ишлари кўрсаткичини йиллик режада 4,2 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

табiiй яйловларни мониторинг қилиш (пункт) кўрсаткичини йиллик режада 869 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

Маълумот учун: *“Ўздаверлоўиҳа» ДИЛИ 2026 йил 7 апрелдаги 41- 01/3- 1305-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича “ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари тўлиқ якунланганлиги, дала кузатув ишлари олиб борилаётганлиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилиб йил якунига қадар якунланиши”ни маълум қилган.*

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлариңи тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш кўрсаткичини йиллик режада 690,3 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотлар ўтказиш ва агрокимёвий картограммалар тузиш кўрсаткичини йиллик режада 966,6 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланган тупроқларини харитага тушириш кўрсаткичини йиллик режада 509,2 минг гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун экологик майдончаларда тупроқ тадқиқотларини бажариш (СЕМлар сони) кўрсаткичини йиллик режада 46 тага етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади.

Маълумот учун: Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти 2026 йил 11 апрелдаги 02-04-353-сон хати билан (юқоридаги кўрсаткичларни) “ушбу ишларни бажариш 4 босқичдан иборатлиги, якуний натижа кўрсаткичи барча босқичлар бажарилгандан сўнг кўриниши”ни маълум қилган.

III. Картошканинг “in-vitro” ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 миллион дона мини-туганакларни етиштириш харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 19,8 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 19,8 млрд сўм ўзлаштирилмаган.

Маълумот учун: Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар маркази 2026 йил 15 апрелда 05/08-02-308-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 11 апрелдаги 04/1-1036-сон розилиги асосида биринчи босқичда 4,0 млн дона картошканинг мини-туганакларни лотларга (қисмларга) бўлинган ҳолда давлат харидлари электрон тизимига киритилганлиги ҳамда лотлар бўйича таклифлар Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигига тақдим этилганлиги маълум қилинган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Мини-туганакларни етиштириш кўрсаткичини йиллик режада 10 млн донга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар II чорак якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш жорий йилнинг III чорагида амалга оширилади.

3. Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш дастури бўйича.

Бюджет дастурларининг 8 та мақсадли индикатор кўрсаткичлари учун Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2026 молия йилида 516,3 млрд сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилган. Шундан, I чорак учун аниқланган режага кўра 135,5 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 107,7 млрд сўми ёки 79,5 фоизи ўзлаштирилган.

Маълумот учун: Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш дастури бўйича 2026 йил I чорак учун аниқланган режа фақат масъул ижрочилар томонидан тасдиқланган бўлиб, юқори турувчи масъул ташиқлотлар билан тегишли тартибда келишилмаган. Шу сабабли, мазкур баҳолаш I чорак ва йиллик режага нисбатан ўтказилди.

I. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш ва инновацияларни жорий этиш қуйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 7,1 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, I чорак учун аниқланган режага кўра 1,5 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида 1,2 млрд сўми ёки 80,6 фоизи (йиллик режага нисбатан 17,3 фоизи) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг I гуруҳ харажатлари, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

II. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш қуйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 16,8 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, I чорак учун аниқланган режага кўра 3,1 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида мазкур маблағларнинг 2 млрд сўми ёки 64,3 фоизи (йиллик режага нисбатан 11,9 фоизи) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг I гуруҳ харажатлари, жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг IV гуруҳ харажатлари, жумладан (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Фермер хўжаликларида жорий қилинган ва фаол фойдаланадиган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини улуши кўрсаткичлари IV чоракда (йил якуни билан) аниқланади.

Синов ва экспертиза ўтказиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги навлари сони кўрсаткичини йиллик режада 117 та етказиш белгиланган бўлиб, I чорак учун аниқланган режага кўра 84 тани ташкил қилади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 84 тага ёки 100 фоизга (йиллик режага нисбатан 71,8 фоизга) бажарилган.

Патентга лаёқатлилиқ синовидан ўтадиган янги экин навлари сонини йиллик режада 149 тага етказиш белгиланган бўлиб, I чорак учун аниқланган режага кўра 35 тани ташкил қилади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 35 тага ёки 100 фоизга (йиллик режага нисбатан 23,5 фоизга) бажарилган.

III. Агросаноат соҳасидаги илмий ва таълим муассасаларини такомиллаштириш қўйи дастури кўрсаткичига 2026 йил учун 492,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, I чорак учун аниқланган режага кўра 130,9 млрд сўм режалаштирилган, ҳисобот даврида мазкур маблағларнинг 104,5 млрд сўми ёки 79,9 фоизи (йиллик режага нисбатан 21,2 фоиз) ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Агросаноат соҳасидаги илмий ва таълим муассасаларининг I гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланади. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, IV гуруҳ харажатлари, жумладан (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Академик лицейларда ўқувчилар сонини йиллик режада 1 186 нафарга етказиш белгиланган, I чорак учун аниқланган режага кўра 1 123 нафарга етказиш лозим бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 1 123 нафарга ёки 100 (йиллик режага нисбатан 94,7) фоизга бажарилган. Шу жумладан, қиз болалар сони йиллик режада 794 нафар, I чорак учун аниқланган режага кўра 529 нафарга етказиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 529 нафарга ёки 100 фоиз (йиллик режага нисбатан 66,6 фоиз) бажарилган.

Агросаноат йўналишидаги олий ўқув юртларида талабалар сонини йиллик режада 40 763 нафарга етказиш белгиланган, I чорак учун аниқланган режага кўра 36 173 нафарга етказиш лозим бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 36 037 нафарга ёки 99,6 фоиз (йиллик режага нисбатан 88,4 фоиз)га бажарилган. Шу жумладан аёл талабалар сони 16 694 нафарни I чорак учун аниқланган режага кўра 12 334 нафарга етказиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 12 288 нафарга ёки 99,6 фоиз (йиллик режага нисбатан 73,6 фоиз)га бажарилган.

Агросаноат йўналиши бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган профессор ва университет ўқитувчиларининг тахминий сонини йиллик режада 838 нафарга, I чорак учун белгиланган режага кўра 195 нафарга етказиш белгиланган.

Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 124 нафарга ёки 63,6 фоиз (йиллик режага нисбатан 14,8 фоиз)га бажарилган бўлиб, шундан аёллар сонини йиллик режада 296 нафар, I чорак учун аниқланган режага кўра 72 нафарга етказилиши лозим бўлиб, амалда мазкур кўрсаткич 43 нафарга етказилган ёки 59,7 фоиз (йиллик режага нисбатан 14,5 фоиз)га бажарилган.

Маълумот учун: Мазкур кўрсаткичнинг тўлиқ бажарилмаслигига малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини таъкил этиш ва ўтказиш жараёнларидаги таъкилий кечикишлар, ўқув дастурларини шакллантириш ва тасдиқлаш муддатларининг чўзилиши ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув жараёнлари бандлиги сабабли курсларда иштирок этиш имкониятларининг чекланганлиги таъсир кўрсатган.

Халқаро ва етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик дастурларининг сонини йиллик режада 40 тага, I чорак учун белгиланган режага кўра 8 тага етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 8 тага ёки 100 фоизга (йиллик режага нисбатан 20 фоизга) бажарилган.

Илмий салоҳият-тадқиқотчиларнинг умумий сонига нисбатан илмий даража ва унвонга эга бўлган тадқиқотчилар улуши кўрсаткичини йиллик режада 56 фоизга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 66 фоизга ёки 120 фоиз (йиллик режага нисбатан 117,9 фоиз)га бажарилган.

4. Қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилда 84,2 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 25,2 млрд сўм маблағлардан 22,8 млрд сўм ёки 90,6 фоизга ўзлаштирилган.

I. Аграр соҳани рақамлаштириш қуйи дастури бўйича 2026 йилда 4,9 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 1,5 млрд сўм маблағлардан 1,2 млрд сўми ёки 81,1 фоизи ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг I-гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга

тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлик сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат birlikлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлик ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

II. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хатловдан ўтказиш учун харажатлар қуйи дастури бўйича 2026 йилда 31 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 9,4 млрд сўм маблағлардан 9,4 млрд сўми ёки 100 фоизи ўзлаштирилган.

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

хатловдан ўтказиладиган ерлар улуши (жами ерга нисбатан) кўрсаткичини йиллик режада 35,3 фоизга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чоракда шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш IV чоракда амалга оширилади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган (суғориладиган) ерларни хатловдан ўтказиш кўрсаткичини йиллик режада 1,2 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади;

Маълумот учун: "O'zdavyerloyiha" ДИЛИ 2026 йил 7 апрелда 41-01/3-1305-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича "ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари тўлиқ якунланганлиги, дала кузатув ишлари олиб борилаётганлиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилиб йил якунига қадар якунланиши"ни маълум қилган.

III. Қишлоқ хўжалиги билан шугулланувчи туманларнинг 2025 – 2030 йилларга мўлжалланган ва лойиҳалаштиришдан олдин амалга ошириладиган ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш харажатлари қуйи дастури бўйича жорий йилда 40 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун режалаштирилган 12,2 млрд сўм маблағлардан 12,2 млрд сўми ёки 100 фоизи ўзлаштирилган.

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Ер майдонларида ер тузиш чизмалари улуши (жами ерга нисбатан) кўрсаткичини йиллик режада 29,3 фоизга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар III чоракда шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш IV чоракда амалга оширилади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги ер майдонларида ер тузиш чизмаларини ишлаб чиқиш кўрсаткичини йиллик режада 3,6 млн гектарга етказиш белгиланган. Ушбу кўрсаткич бўйича маълумотлар йил якунида шаклланишини инобатга олиб, баҳолаш келгуси молия йилининг I чорагида амалга оширилади.

Маълумот учун: “O‘zdayerloyiha” ДИЛИ 2026 йил 7 апрелдаги 41-01/3-1305-сон хати билан юқоридаги кўрсаткичлар бўйича “ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари тўлиқ якунланганлиги, дала кузатув ишлари олиб борилаётганлиги, лойиҳа-қидирув ишлари босқичма-босқич олиб борилиб 2026 йил якунига қадар якунланиши”ни маълум қилган.

IV. Агросубсидия платформаси харажатлари қўйи дастури бўйича жорий йилда 2 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун 0,5 млрд сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун касса харажати амалга оширилмаган ва маблағ ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида такдим этиладиган субсидия турларидан “Агросубсидия” ахборот тизимида такдим этиладиган аризалар сони кўрсаткичини йиллик режада 70,1 минг тага етказиш белгиланган, шундан I чоракда 17,5 минг та аризалар келиб тушиши белгиланиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 928 тага ёки 5,3 фоизга бажарилган.

V. “Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ва “AgroTarozi” ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш қўйи дастури бўйича жорий йилда 6,3 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан I чорак учун 1,6 млрд сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун касса харажати амалга оширилмаган ва маблағ ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

“Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ва “AgroTarozi” ахборот тизимларига келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқиш кўрсаткичини йиллик режада 120 минг тага етказиш белгиланган, шундан I чоракда 30 минг та аризаларни кўриб чиқиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 31,5 тага ёки 105,3 фоизга бажарилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2026 йил 20 январдаги 7-сон буйруғининг 10-бандига асосан Ички аудит бошқармаси мақсадли индикаторлар бўйича Молия-иқтисод, бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлими томонидан (2026 йил 16 апрелдаги 19/04-08-сон) такдим этилган ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йигирманчи санасига қадар белгиланган тартибда баҳолаш белгиланган бўлсада, Қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш бюджет дастурининг “Hosil-qabuli”, “AgroDocs” ва “AgroTarozi” ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш қўйи дастури бўйича тасдиқланган ҳисоботлар ва уларнинг асослантирувчи ҳужжатлари баҳолашга ўз муддатларида такдим этилмади.

Мазкур буйруқнинг 5-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026-2028 йиллар учун мақсадли индикаторларнинг прогноз кўрсаткичлари тўғрисида”ги маълумотга асосан ушбу IV ва V қўйи дастурлар учун маъсул ижрочи этиб “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖ (У.Маҳмудов) ва Агро маълумотлар базасини бошқариш ва таҳлили, тармоқларни рақамли интеграциялаш бошқармаси (Б.Рахимов) белгиланган.

5. Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилда 2 111,1 млрд сўм ажратилиши режалаштирилган, шундан жорий йил I чорак учун 393,4 млрд сўм маблағлар тасдиқланган бўлиб, аниқлаштирилган режа 371,4 млрд сўмни ташкил этган, ҳисобот даврида режалаштирилган маблағлар умуман ўзлаштирилмаган.

Ушбу дастур ва унинг қуйи дастурлари бўйича ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаслиги қуйидагилар сабаб бўлган:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 ноябрдаги ПФ-224-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қарори ҳозирда тасдиқлаш жараёнида эканлиги маълум қилинди.

Жорий йилнинг I чорагига қадар мазкур қарор қабул қилинмаганлиги сабабли дастур доирасида маблағлар сарфланмаган ҳамда ажратилган бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши таъминланмаган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси (ID-8583) ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган.

Шунингдек, қарор лойиҳаси бўйича Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза хулосаси олинган (2026 йил 27 январь, 9/3-0052-сон) ҳамда белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилган (2026 йил 28 январь, 01/23-1-04/248-сон). Қишлоқ хўжалигида тўловлар агентлиги томонидан тақдим қилинган маълумотлар илова қилинади.

Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджет дастурининг қуйи дастурлари ижроси қуйидагича таҳлил қилинди:

I. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун субсидиялар ажратиш дастури бўйича жами 250,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонни 22,2 минг гектарга етказиш;

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

иқтисод қилинадиган сув миқдорини 34,5 млн куб метрга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 50,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган

режа 29,8 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

II. Бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналар ҳамда картошка етиштиришда экин майдонларини суғоришда қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур дастур бўйича жами 10,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари бўйича:

ўрнатиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари умумий қувватини 25 минг кВт/сга етказиш ҳамда фермер хўжаликлари томонидан муқобил энергия манбалари қўлланиладиган майдонни 1 000 гектарга етказиш белгиланган бўлиб;

Яқиний натижа кўрсаткичи бўйича:

фермер хўжаликлари томонидан муқобил энергиядан фойдаланиш ҳисобига тежаладиган электр энергия миқдорини 1 500 минг кВт/сга етказиш.

Такдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 2,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 2,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

III. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг насос агрегатлари истеъмол қиладиган электр энергияси харажати қоплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур дастур доирасида жами 300,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

субсидия ҳисобидан қоплаб бериладиган электр энергияси миқдорини 300 млн кВтга етказиш;

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 10,0 минг нафарга етказиш;

Яқиний натижа кўрсаткичи бўйича:

насос агрегатлари орқали қафолатли сув билан таъминланадиган пахта ва бошоқли дон етиштирувчи хўжаликларининг ер майдонларини 710 минг гектарга етказиш.

Такдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 40,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 40,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

IV. Қорақалпоғистон Республикасида пахта, бошоқли дон ҳамда шоли етиштирувчи ва Хоразм вилоятида шоли етиштирувчи субъектларга лазерли

қурилмага эга ер текислагич агрегатлар билан ер текислаш харажатлари учун шунингдек, Хоразм вилоятида шоли экиш сеялкалари ва кўчатлаб экиш ускунаси учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофик, мазкур қўйи дастур бўйича жами 14,2 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

лазерли текислаш қурилмаси билан текисланадиган майдонларда етиштириладиган маҳсулот ҳажмини 44 минг тоннага етказиш, лазерли текислаш қурилмаси билан текисланадиган майдонни 11 000 гектарга етказиш, харид қилинадиган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари сонини 16 донага етказиш, янги сеялкалари билан экиладиган шоли майдонини 500 гектарга етказиш ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари билан экиладиган шоли майдонини 100 гектарга етказиш;

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

иктисод қилинадиган уруғ миқдорини 23,0 тоннага етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қўйи дастур бўйича тасдиқланган режа 2,8 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 2,8 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

V. Картошка етиштирувчилар томонидан ер майдонларини суғоришда фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратиш қўйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофик, мазкур қўйи дастур бўйича жами 10,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қўйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 70 нафарга етказиш ҳамда ўрнатиладиган қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларининг умумий қувватини 2,5 минг кВтга етказиш;

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

картошка етиштирувчилар томонидан муқобил энергия манбалари қўлланиладиган майдонни 200 гектарга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қўйи дастур бўйича тасдиқланган режа 2,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 2,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

VI. Қишлоқ хўжалиги корхоналари (чорвачилик, фермер ва деҳқон хўжаликлари) суғориш учун фойдаланиладиган насос агрегатларини муқобил энергия манбалари билан таъминлаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган ёки келгусида ажратиладиган тижорат кредитларининг бир қисmini субсидия

сифатида қоплаб бериш харажатлари қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 60,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 360 нафарга етказиш;

қайта тикланувчи энергия орқали ишлайдиган насос агрегатлари сонини 360 донага етказиш;

сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонни 2 400 гектарга етказиш.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

хўжалик юритувчи субъектларнинг энергия харажатларининг қисқаришини 7 500,0 млн сўмга етказиш;

ўрнатиладиган қуёш панеллари умумий қувватини 15 минг кВтга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 12,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 12,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

VII. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун ажратиладиган тижорат кредити фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 100 000 млн сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 800 нафарга етказиш;

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ер майдонини 30 минг гектарга етказиш;

иктисод қилинадиган сув миқдорини 46,6 млн куб метрга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 12,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 12,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

VIII. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилни суғурталаш харажатлари 50 фоизини субсидиялаш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 100,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

суғурта қилинадиган ер майдонини 370 минг гектарга етказиш;

суғурта қилинадиган маҳсулотлар турлари сонини 2 донага етказиш;

субсидия ажратиладиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 1 000 нафарга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 20,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 20,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

IX. Хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамол, қўй ва эчкилар, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган бир кунлик жўжаларни сотиб олиш харажатларини бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 70,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

импорт қилинадиган қорамоллар сонини 12 минг бошга етказиш, импорт қилинадиган қўй ва эчкилар сонини 80 минг бошга етказиш ҳамда субсидия олувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонини 78 нафарга етказиш;

Яқиний натижа кўрсаткичи бўйича:

давлат томонидан қўллаб-қувватланган хўжаликлар томонидан етиштириладиган қўй ва эчки гўшти маҳсулотларини 320 тоннага етказиш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланган хўжаликлар етиштириладиган сут маҳсулотларини 18 000 минг тоннага етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 14,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 14,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

X. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда биологик химоя усулини қўллаш харажатларининг бир қисмини қоплаш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 10,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

республика миқёсида қишлоқ хўжалиги экинларида биологик химоя усули қўлланиладиган майдонни 25,6 минг гектарга етказиш;

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

биологик химоя воситаларидан фойдаланиш натижасида етиштириладиган экологик тоза экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 307,3 минг тоннага етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 2,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

Маълумот учун: Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш департаментининг Давлат молиявий нazorат инспекция томонидан 2025 йил 24 февралда ўтказилган тегишли далолатномасига асосан 10 млрд сўм маблағларни режалаштирилиши бўйича ишлаб чиқилган Низомнинг (ВМК- 520, 20.08.2025 й) талабларига асосан Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришида биологик химоя усулини қўллашнинг умумий манзилли рўйхати тасдиқланмаганлиги сабабли вазирликнинг 2026 йил харажатлар сметасига режалаштирилган 10 млрд сўм маблағ мақбуллаштирилган (далолатнома илова қилинади).

XI. Пахта хом ашёсини етиштирувчилар томонидан томчилатиб ва дискрет суғориш тизимини жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 400,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган пахта майдонларини 104,4 минг гектарга етказиш ҳамда пахта майдонларига томчилатиб суғориш тизимини жорий этадиган хўжалик юритувчи субъектлар сонини 2 589 донага етказиш;

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

томчилатиб ва дискрет суғориш тизими жорий этиш ҳисобига иқтисод қилиниши кутилаётган сув миқдорини 314,2 млн м кубга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 80,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа 60,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

XII. Пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 3,5 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

ўрнатиладиган қайта тикланувчи энергия манбалари умумий қувватини 8,8 минг кВт/сга етказиш ҳамда экинларни суғоришда қуёш панеллари ўрнатадиган фермер хўжаликлари сонини 20 донага етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 0,7 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 0,7 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

Маблағларнинг ўзлаштирилмаслик сабаблари қуйида кўрсатиб ўтилган.

XIII. Қишлоқ хўжалиги техникасини, лазерли текислаш, автопилот ускуналарини ҳамда дон уруғ сеялкаларини харид қилишда техника қийматини қисман қоплаб бериш, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга ажратилган лизинг ёки кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 615,3 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган автопилот ускуналари сонини 4 148 тага етказиш, кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари сонини 1 375 тага етказиш ҳамда кредит ёки лизинг фоизлари қисман қоплаб бериладиган лазер ер текислагич агрегатлари сонини 1 000 тага етказиш;

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 112,8 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа 55,2 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

Маблағларнинг ўзлаштирилмаслик сабаблари қуйида кўрсатиб ўтилган.

XIV. Қорақалпоғистон Республикасида сув таъминоти даражаси паст бўлган ҳудудларда чорва молларини суғориш учун шахтали ва тик қудуқлар ҳамда сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 2,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

қуриладиган шахтали ва тик қудуқлар сонини 100 донага етказиш ҳамда қуриладиган насос станциялари сонини 100 донага етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 0,4 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 0,4 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

XV. Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган

маблағлар қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 112,5 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хўраки навли узум ва интенсив боғларда етиштирилган маҳсулот ҳажмини 91 000 тоннага етказиш ҳамда боғ ва иссиқхоналарда сув чиқариш учун бурғуланган қудуқ ва сувни тортиш учун насос станциясини қуриш сонини 110 донага етказиш;

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

хўраки навли узум ва интенсив боғларда етиштирилган маҳсулотларнинг сотиш ҳажми айланмасини оширишни 2 фоизга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур дастур бўйича тасдиқланган режа 22,7 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа 100,5 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

XVI. Ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритиш бўйича ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш харажатлари қуйи дастури бўйича 2026 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ, мазкур қуйи дастур бўйича жами 50,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган:

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

қуриладиган янги каналлар узунлигини 192 кмга етказиш ҳамда қуриладиган коллектор-дренаж тармоқлари узунлигини 28 кмга етказиш;

Яқуний натижа кўрсаткичи бўйича:

фойдаланишга киритиладиган ер майдонини 48 минг гектарга етказиш.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2026 йилнинг I чорагида мазкур қуйи дастур бўйича тасдиқланган режа 10,0 млрд сўмни, аниқлаштирилган режа ҳам 10,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, амалда маблағлар ўзлаштирилмаган.

Маълумот учун: Иқтисодий эсиноятларга қарши қурашиш департаментининг Давлат молиявий назорат инспекция томонидан 2025 йил 24 февралда ўтказилган текшириш далолатномасига асосан 50 млрд сўм маблағларни 11,5 млрд сўмини режалаштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг 24.02.2020 йилдаги 109-сонли қарориди кўрсатилган талабларга амал қилинмаган ҳолда тегишли тартибда субсидия ажратиш бўйича аниқ ҳисоб-китоб маълумотлари асосида тузилмаганлиги сабабли 11,5 млрд сўм маблағ харажатлар сметасидан мақбуллаштирилган (Далолатнома шлова қилинади).

Маълумот учун: Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджет дастурининг барча қуйи дастурларининг бевосита ва яқуний натижа кўрсаткичлари асосан ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмидан келиб

чиққан ҳолда шакллантирилган бўлиб, фермер хўжаликлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишлар натижасида шаклланган кўрсаткичлар инobatга олинмайди.

6. Республикада ветеринария ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш, эпизоотик барқарорлиқни таъминлаш ва чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириш дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилнинг I чораги учун 16 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 16 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 15,2 млрд сўм ёки 95,1 фоизга ўзлаштирилган.

I. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш сиёсатини юритиш ва бошқариш қуйи дастури бўйича I чоракда 13,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 13,4 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 12,6 млрд сўм ёки 94,2 фоизга ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларининг I гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларининг IV гуруҳ харажатлари, жумладан (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

II. Чорва ҳайвонларини вакцинасия қилиш учун харажатлар қуйи дастури бўйича I чоракда 2,6 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, ҳисобот даврида 2,6 млрд сўм ёки 100 фоизга ўзлаштирилган.

“УзАСБО” дастуридан 2026 йил 1 январь санасидан 2026 йил 1 апрель санасигача бўлган давр оралиғидаги ТМЗ бўйича айланма қайдномаси ўрганилганда, жорий йилнинг 10 мартида 2,4 млрд сўмлик вакцинация хариди учун шартнома имзоланган бўлиб, ушбу вакцина воситаси етказиб бериш муддати 90 кун бўлиб, ўрганиш кунига қадар етказиб берилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

вакцина қилинадиган чорва ҳайвонлари сонини жорий йилнинг I чорак режасида 18,2 минг бошга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 16,1 минг бошга ёки 88,5 фоизга бажарилган;

Мазкур кўрсаткичнинг тўлиқ бажарилмаслигига Қўмита тизимида иш жараёнларида узилишлар юзага келгани ҳамда иш ташлаш ҳолатлари кўпайгани натижасида эмлаш ишларининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмаган.

III. Мўғулистондан насли кўй ва эчкилар импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун субсидиялар қуйи дастури бўйича 80,0 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, ҳисобот даврида маблағ ажратилмаганлиги сабабли ижроси таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи:

Мўғулистондан импорт қилинадиган насли кўй ва эчкилар сони 76,4 минг дона олиб келиниши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида талабгорлардан мурожаат бўлмаганлиги сабабли ижроси таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги ПҚ-388-сон қарорига мувофиқ, Мўғулистондан насли кўй ва эчкиларни импорт қилишда ҳаво транспорти орқали ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб беришга қаратилган қуйи дастур доирасида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига 80,0 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Бироқ, мазкур маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан харажатлар сметасига мувофиқ Аграр соҳада тўловлар агентлигига йўналтирилган бўлсада (шу жумладан I чорак учун 10,0 млрд сўм), мазкур қуйи дастур доирасида белгиланган мақсадли индикаторлар ижросини таъминлаш бўйича ваколатлар тегишли тартибда Агентликка ўтказилмаган. Натижада маблағларни амалга ошириш ва индикаторлар ижроси ўртасида номутаносиблик юзага келиб, қуйи дастурнинг бевосита натижа кўрсаткичлари ижроси таъминланмай қолган.

7. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси дастури бўйича.

I. Ўсимликлар карантини ва ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш қуйи дастури бўйича 2026 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу қуйи дастур бўйича йиллик тасдиқланган режа 48,25 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, аниқланган режа 13,7 млрд сўмга тенг белгиланган. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари 10,8 млрд сўмни ёки аниқланган режанинг 78,8 фоизини ташкил этган.

Жумладан, “Ўсимликлар карантини ва ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш” қуйи дастури доирасида:

а) Карантин агентлиги бўйича йиллик тасдиқланган режа 16,22 млрд сўм, аниқланган режа 4,09 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 3,62 млрд сўм миқдоридан амалга оширилган;

б) Республика агрокимёвий таҳлил маркази бўйича йиллик тасдиқланган режа 30,72 млрд сўм, аниқланган режа 8,84 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 6,55 млрд сўмни ташкил этган;

в) “Биосифат” республика маркази бўйича йиллик тасдиқланган режа 1,31 млрд сўм, аниқланган режа 0,84 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, касса харажатлари 0,65 млрд сўм миқдоридан ижро этилган.

II. Чигиртка ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ, шу жумладан, махсус транспортлар, техника воситалари ва кимёвий препаратлар харид қилиш харажатлари қуйи дастури бўйича 2026 йилги харажатлар сметасида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига дастур ижросини таъминлаш учун 50 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва унинг тизим ташкилотларининг I гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва унинг тизим ташкилотларининг IV гуруҳ харажатлари, жумладан (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Зарарли чигирткаларга қарши кимёвий кураш ишлари олиб бориладиган ер майдонларини 588,5 минг гектарга етказиш белгиланган.

Шу билан бирга, 2026 йилда республикада зарарли чигирткалар ва бошқа зарарли организмларнинг йилнинг II ва III чоракларида биологик фаоллашуви ҳамда иктисодий зарар етказиш мезонларидан ошиб, мавжуд ресурслар етишмовчилиги келиб чиққанда, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун кўзда тутилган, яъни ушбу дастурда ажратилган маблағлар нафақат чигирткага қарши, балки республикадаги қишлоқ хўжалиги экинларида хавfli қасалликлар аниқланиб, тегишли тартибда фавқулодда вазият эълон қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида фармойиши билан ажратилиши белгиланган.

III. Тут парвонасига қарши курашиш тадбирлари учун харажатлар қуйи дастури бўйича 2026 йилги харажатлар сметасида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига дастур ижросини таъминлаш учун 30 млрд сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Тут парвонасига қарши кимёвий кураш ишлари олиб бориладиган тут дарахтлар сонини 58,7 млн донага, тутзорлар майдонини 12,9 минг гектарга етказиш белгиланган.

Якуний натижа кўрсаткичи бўйича:

Тут парвонасига қарши кураш ишларини тизимли ташкил этиш натижасида сақлаб қолинadиган тут дарахтлари 145,3 млн дона тутзорлар майдонини 40,3 минг гектар этиб белгиланган.

Маълумот учун: Тут парвонасига қарши кураш тадбирлари 2026 йилнинг III-IV чорақлар давомида амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, 2024 йилги тут парвонасига қарши кураш тадбирлари учун шилатиладиган кимёвий воситалар электрон биржа савдолари орқали харид қилиниши ҳамда ишлов тадбирларида замонавий пуркагичлардан фойдаланиш натижасида (ёқилги мойлаш материялларида) 230,3 млн сўм иқтисод қилинишига эришилган ҳамда иқтисод қилинган 230,3 млн сўм маблағни Давлат бюджетига мақбуллаштирилди.

8. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бюджет дастури бўйича.

Ушбу дастур учун 2026 йилда 69,4 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан I чорақда аниқланган режага кўра 30,1 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 27,2 млрд сўм ёки 90,4 фоизга ўзлаштирилган.

I. Агросаноатни ривожлантириш қўйи дастури бўйича I чорақда 8,1 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 8,1 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 7,4 млрд сўм ёки 91,4 фоизга ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлигига сабаб, Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг I гуруҳ харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун режалаштирилган маблағлар тўлиқ сарфланмаганлиги билан изоҳланди. Жумладан, айрим штат бирликлари бўйича бўш ўринлар мавжудлиги, ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, меҳнат таътиллари ҳамда ишга қабул жараёнларининг кечикиши натижасида иш ҳақи фонди тўлиқ ўзлаштирилмаган. Шунингдек, айрим ҳолатларда тўловларни амалга ошириш муддатларининг кейинги даврга кўчирилиши ҳам маблағлар ўзлаштирилишининг камайишига таъсир кўрсатган.

Бундан ташқари, Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг IV гуруҳ харажатлари, жумладан (товарлар ва хизматлар харидлари) бўйича ҳам режалаштирилган ишлар тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, айрим харид жараёнларининг кечикиши, шартномаларни тузиш ва келишиш муддатларининг чўзилиши, шунингдек, амалга оширилиши режалаштирилган айрим хизматлар ва ишлар ижросининг пастлиги натижасида мазкур харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмаган.

II. Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига трансферлар қуйи дастури бўйича I чоракда 22 млрд сўм ажратилиши кўзда тутилган, шундан аниқланган режага кўра 22 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида маблағлар 19,8 млрд сўм ёки 90,0 фоизга ўзлаштирилган.

Маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг устама (рағбатлантириш) тўловлари учун режалаштирилган маблағлар билан боғлиқ бўлиб, КРІ кўрсаткичлари тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли мазкур тўловлар тўлиқ амалга оширилмаган.

Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи бўйича:

Интесив мевали боғ-токзорлар барпо этиш кўрсаткичини I чорак режасида 10 минг гектарга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 10,9 минг гектарга ёки 109 фоизга бажарилган.

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосилли боғ-токзорлар реконструкция қилинишига кўмаклашиш кўрсаткичини I чорак режасида 20 минг гектарга етказиш белгиланган, ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич ижроси 20,5 минг гектарга ёки 102,5 фоизга бажарилган (*Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим қилинган маълумотлар илова қилинади*).

Белгиланган бюджет дастурлари ижросида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган таклифлар:

1. Дастурлар доирасида субсидия маблағларини режалаштиришда ягона методик ёндашувни жорий этиш. Бунда субсидиялар ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган ҳисоб-китоблар ягона тартиб ва методика асосида шакллантирилиши, барча масъул ташкилотлар учун мажбурий бўлган аниқ формулалар, кўрсаткичлар ва манбалар белгиланиши лозим. Шунингдек, ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган маълумотлар базаси ишончли ва янгиланиб бориладиган манбаларга асосланиши мақсадга мувофиқ.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги томонидан субсидия маблағларини ҳисоб-китобларни тасдиқлашдан олдин уларнинг асосланганлиги қайта ўрганиш. Бунда субсидия ажратиш учун тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар, уларнинг реаллиги, мақсадлилиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги баҳоланиши зарур. Баҳолаш жараёнида ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги, манбаларнинг ишончилиги ва кутилган иқтисодий самарадорлик даражаси алоҳида таҳлил қилиниши лозим.

3. Масъул ижрочиларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш. Бунда субсидия маблағларини режалаштириш ва тақсимлаш жараёнларида иштирок этувчи масъул ходимлар учун аниқ вазифа ва жавобгарлик чегаралари белгиланиши, нотўғри ёки асосланмаган ҳисоб-китоблар тақдим этилган ҳолатларда уларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилиши лозим.

4. Бевосита ва якуний натижа кўрсаткичларининг шакллантирилишида уларнинг ҳақиқатга мувофиқлиги, асосланганлиги ҳамда амалда эришиш

имконияти мавжудлигини ўрганиш, шунингдек мазкур кўрсаткичларнинг белгиланган стратегик ва соҳа мақсадларига мувофиқлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда индикаторларнинг орқали эришиладиган натижаларнинг иқтисодий ва амалий самарадорлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

5. Республика миқёсида тут парвонасига қарши кураш ишларини тизимли ташкил этиш натижасида сақлаб қолинадиган тут дарахтлари сони 145,3 млн дона, тутзорлар майдони эса 40,3 минг гектар этиб белгиланган. Бироқ амалиётда мазкур кўрсаткичлар бўйича ҳисоботларни юритиш, уларни таққослаш ва таҳлил қилиш имконини берадиган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас. Бунда “Geo-axborot” ахборот тизимини жорий этиш орқали ҳар бир тутзор ва яқка қатордаги тутларни “Gis-xarita”га киритиш. Бу кимёвий ишлов берилган майдонларни такроран текшириш имконини беради.


6. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси томонидан 2026 йил учун вакцинация воситаларини харид қилиш бўйича тузилган шартномалар ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш, шунингдек Мўғулистондан импорт қилинадиган насли кўй ва эчкиларни ўз вақтида олиб келиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ички аудит бошқармаси ходимлари:

х/с Б. Мирқасимов

х/с Х. Мардиев

х/с А. Абдунабиев

 З. Араббоев

х/с С. Илхомов

х/с А. Муралов

 К. Гамкулов

х/с М. Эшноров